

Боғот тумани

2023 йил 12 май

Боғот туманлараро иқтисодий суди раиси, судья Б.Давлатов раислигида, судья ёрдамчиси М.Султонов котиблиги



**Аризачи:** Днинг

**Қарздор:** Жни содалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги аризаси бўйича кўзғатилган ишни аризачи вакили М.Худайберганов (ишончнома асосида), қарздор Ж вакили Н.Сапаев (жамият таъсисчиси) иштирокида Боғот туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлиси муҳокамасида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**а н и қ л а д и :**

Аризачи Д Боғот туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор Жни жамиятдан ундириш белгиланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги солиқ органининг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қарори 40-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан қайтарилганлиги сабабли, содалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлашни сўраган.

Суд мажлисида иштирок қилган аризачи вакили тушунтириш бериб, қарздор Жни фаолият кўрсатмаётганлиги, қарздорнинг мол-мулкидан қарзни ундириш тўғрисида Днинг солиқ мажбуриятига эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича қарори қабул қилинганлиги ва ижро қилишлик учун мажбурий ижро бюросига юборилганлигини, бироқ ижро ҳужжатлари давлат ижрочисининг қарорлари билан Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 40-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан қайтарилганлигини билдириб, ишни қонуний кўриб чиқишни сўради.

Суд мажлисида иштирок этган қарздор вакили тушунтириш бериб, банкдан кредит олганлигини ва кредит гаров билан таъминланганлигини ва аризачининг аризасига эътирози йўқлигини билдирди.

Суд, тарафлар вакилларининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризачининг аризасини қаноатлантиришни рад қилишни ва ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини аризачи зиммасига юклашни ҳамда аризачининг давлат божи тўловидан озод эканлигини инобатга олишни, шунингдек олдиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати аризачи зиммасида қолдиришни лозим топади.

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан кўринишича, қарздор Ж Хива туман Давлат хизматлар марказининг қарорига асосан рўйхатдан ўтказилган. Д томонидан Жнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан бўлган қарздорлик вужудга келгандан кейинги даврлар бўйича инкассо топшириқномаси кўйилган, лекин қарздорнинг ҳисоб-рақамида тўлашга етарли маблағи бўлмаганлиги сабабли, қарздорнинг мол-мулкидан қарзни ундириш тўғрисида Жнинг солиқ мажбуриятига эга шахснинг мол-мулки ҳисобидан солиқ қарзини ундириш бўйича қарори қабул қилинган ва ижро қилишлик учун мажбурий ижро бюросига юборилган, бироқ мажбурий ижро бюроси қарорлари билан инспекциянинг қарорлари Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуни 40-моддаси биринчи қисми 3-бандига асосан қайтарилган.

Д томонидан тасдиқланган таққослаш далолатномасида Жнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан 03.04.2023 йил ҳолатига жами 347 199 604,45 сўм қарзи мавжудлиги тасдиқланган.

Иш ҳужжатларига кўра, қарздорнинг мол-мулки мавжуд эмаслиги сабабли ижро ҳужжатини ижросиз қайтариш тўғрисидаги давлат ижрочисининг қарори мавжуд.

Шунга кўра, аризачи ариза билан қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш бўйича судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикасининг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги Қонуни 16-бобида тўловга қобилиятсизлик соддалаштирилган тартиб-таомиллари белгиланган.

Унга кўра, тугатилаётган юридик шахснинг ва ҳозир бўлмаган қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш кўрсатилган.

Шунга кўра, мазкур Қонуннинг 238-моддасига кўра, агар қонунчиликда белгиланган муддатларда молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги ва (ёки) ўз устав фондини (устав капиталини) шакллантирмаганлиги муносабати билан тугатиш тўғрисида ўзига нисбатан қарор қабул қилинган юридик шахснинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, бундай юридик шахс ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда, тугатиш комиссияси (тугатувчи) юридик шахсга нисбатан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш кўзғатиш ҳақидаги ариза билан судга ёки қонунчиликда назарда тутилган тегишли чоралар кўрилиши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт.

Шунингдек, Қонуннинг 241-моддасига кўра, ўз фаолиятини тугатган қарздор яқка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, ҳозир бўлмаган қарздорни тўловга қобилиятсиз деб топиш тўғрисидаги ариза, кредиторлик қарзи миқдоридан қатъи назар, кредитор, ваколатли давлат органи, давлат солиқ хизмати органи ёки бошқа ваколатли орган томонидан берилиши мумкин.

Бирок, мазкур ҳолатда аризачи томонидан қарздорни соддалаштирилган тартибда тўловга қобилиятсиз деб топиш учун асос бўлган қарздорнинг тугатилаётганлиги ҳамда тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг жойлашган ерини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги ҳолатлари аниқланмаган.

Қолаверса, қарздорнинг вакиллари мавжуд бўлиб, суд мажлисида ҳам иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддасига кўра, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак.

Шунингдек, мазкур Кодекснинг 118-моддаси биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Бирок, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи тўғрисида”ги Қонуни 9-моддаси биринчи қисми 12-бандига кўра, давлат солиқ хизмати органлари, молия ва божхона органлари – барча ишлар ҳамда ҳужжатлар бўйича, шунингдек алоҳида юритиладиган ишлар бўйича судга аризалар берганлик учун давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, аризачининг аризасини қаноатлантиришни рад қилишни ва суд харажатларини аризачи зиммасига юклашни ҳамда аризачининг давлат божи тўловидан озод эканлигини инобатга олишни, шунингдек аризачи томонидан почта харажати тўланганлигини ҳисобга олишни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68, 113, 118, 176-179-моддаларини қўллаб,

**қ а р о р қ и л д и :**

Аризачининг аризасини қаноатлантириш рад қилинсин.

Аризачининг давлат божи тўловидан овоз эканлигини ғибабатга олинсин.

Аризачи томонидан олдиндан туланган 30 000 сум почта харажати унинг зиммасида қолдирилсин. **(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)**

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф бир ойлик муддат ичида шу суд орқали Хоразм вилоят судининг иқтисодий жараёнлар бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.

Судья



Б.Давлатов